



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЛҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 114 (9360).

1988 йил 14 июнь • сешанба •

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Совет жамиятининг энг муҳим социал муаммоларини ҳал этишда марксча-ленинча социологиянинг ролини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланадики, партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари белгиланган берган резолюция қайта қуриш йўлининг амалга оширилиши, туб иқтисодий ислохот, актив социал сийosat ўтказилиши, жамиятнинг ҳар томонлама демократиялаш, унинг маънавий-ахлоқий соҳаларини янгилаш қайта қуришнинг илмий жиҳатдан таъминлашда, социализмнинг энг асосий назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда, кенг меҳнаткашлар оmmasида социал-сиёсий тафаккурни шакллантиришда марксча-ленинча социологиянинг ролини кучайтиришнинг тақозо этиди. Бу эса социология фанини ривожлантиришга, ижтимоий жараёнларни бошқариш практикасида социологик тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланишга сифат жиҳатидан янги талаблар қўяди.

КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги аҳоли жамияти эҳтиёжларига жавоб берадиган, деб ҳисоблайди. Марксча-ленинча жамиятшуносликни ижодий ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда КПСС социал сийосати амалга оширишда социология ҳали тегишли ўрин олган йўқ.

Марксча-ленинча социологияни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илмий ишланмаларнинг назарий, методологик ва методик даражасини анча ошириш ҳамда улардан ижтимоий жараёнларни бошқариш ва прогноз қилишда, демократия ва ошқоралиқни чуқурлаштиришда фойдаланишнинг тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди. Социологик тадқиқотлар комплекс тарзда бўлиши ва натижадорлигини, социологик

институлар ва марказлар тармоғини кенгайтиришнинг, корхоналарда, таъкилотларда социал ривожланиш хизматлари ролини оширишнинг, социологик таълимнинг ва социолог кадрлар тайёрлашнинг тубдан яхшилашнинг, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини вужудга келтиришнинг, социологиянинг ахборот базасини кенгайтиришнинг, социологик адабиётлар чиқаришнинг кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг, илмий ишланмаларнинг моддий-техникавий ва молиявий таъминотини яхшилашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар системаси амалга оширилсин.

Социологик коллективларнинг куч-гайратларини совет жамияти тараққиётининг энг асосий ва мураккаб муаммоларини тадқиқ этишга қаратиш кўзда тутилди, социологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари белгилан берилди.

СССР Фанлар академияси заруратта ва тегишли кадрларнинг мавжудлигига қараб социология соҳасидаги илмий муассасалар ва бўлимлар системасини босқичма-босқич тўзишни таъминлаш лозим. СССР Фанлар академиясининг социологик тадқиқотлар институтини СССР Фанлар академияси социология институтига айлантирилади. Бу институт социологиянинг фундаментал назарий, методологик ва методик муаммоларини ишлаб чиқиш, мамлакатда социологик тадқиқотларни мувофиқлаштириб туриш, асосан ҳалқаро, Бутуниттифоқ миқёсдаги ва регионлараро тадқиқотларни амалга ошириш билан шугулланади. СССР Халқ таълими давлат комитети ўқув юрларида хўжалик ҳисоби принципларида проблемали социологик илмий-тадқиқот лабораторияла-

ри ва илмий бўлимлар тармоғини ривожлантириш чораларини қўриш лозим. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг меҳнат коллективларини социал жиҳатдан усту даражада ривожлантириш тўғрисидаги талаблардан келиб чиқиб, халқ хўжалиги тармоқларида ва корхоналарида социологик таълимнинг тубдан яхшилаш, меҳнат фаолияти сабабларини, меҳнаткашлар турли группалари қандай қадриятларини кўзда тутишлари ва маънавиятини, социалистик демократияни ривожлантириш ва социал адолат принципларини амалга оширишнинг, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишда социал ривожланиш хизматлари ролини ошириш зарур, деб топилди.

Совет жамиятини демократиялаш жараёнларини чуқурлаштиришда, ошқоралиқни, омманинг ижодий ташаббусдорлигини ва социал-сиёсий активлигини ривожлантиришда жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Энг аввало, ВЦСПС ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳузуридаги социал-иқтисодий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш Бутуниттифоқ марказининг, СССР Фанлар академиясининг институтини жамоатчилик фикрини ўрганиш факультетларини, КПСС Марказий Комитетини ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини, олий ўқув юрларини, министриликлар ва идоралар социология бўлимларининг ишларини ривожлантириш ва самардорлигини ошириш асосида жамоатчилик фикрини ўрганишнинг яхшилашнинг таъминлаш белгиланди.

СССР Давлат статистика комитети тегишли министриликлар ва идоралар билан биргаликда ички ва халқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш системасини босқичма-босқич тўзишни амалга оширади. Социал ривожланишнинг асосий масалаларидан аҳолининг бажардор бўлишини кучайтириш ва социология-

нинг статистика базасини яхшилаш учун социал тусдаги статистика материалларини эълон қилишни кенгайтириш, ақтуал статистика материаллари ва обьектларини мунтазам равишда тақдир қилишнинг таъминоти таъмин этиш, кенг жамоатчиликнинг ахлоқий статистика масалаларидан мунтазам хабардор қилишни йўлга қўйиш кўзда тутилди.

Қарорда социология бўлимларини пропаганда қилишни кучайтириш зарурлиги ўқитрилди. Социологияга оид илмий, методик ва оммабоп адабиётларнинг нашр қилишни анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Студентлар, завод социологлари, малака ошириш, сиёсий ва иқтисодий таълим системалари учун марксча-ленинча социология ва конкрет социология фанлари юзасидан дарсликлар тайёрлаш ва нашр қилиш назарда тутилди.

Социологияни ривожлантириш ресурслар билан таъминлаш чоралари белгиланди. СССР Госнаби, СССР Хўсбаш техникаси ва информатика давлат комитети, СССР Фанлар академияси, СССР Халқ таълими давлат комитети, иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари мазкур қарорга мувофиқ социология соҳасидаги ишларни бажариш учун моддий-техника ресурсларини ажратилиш таъминлашлари лозим.

Иттифокдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, област, шаҳар ва район партия комитетларига социологияни ривожлантириш, юрларда жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан таъминоти ва тарғиб-сиёсий ишларни кучайтириш, социология бўлимларини фаолиятини мунтазам контрол қилиб бориш топширилди. Партия комитетлари шунга асосланган йўқаришлари лозимки, социологик тадқиқотларнинг натижалари партиянинг раҳбарлик услуби, шакли ва усулларини такомиллаштиришга фаол қўмқолаштириш лозим.

Қарорда таъкидланадики, совет жамиятининг энг асосий социал муаммоларини ҳал этишда социологиянинг ролини ошириш чоралари қайта қуриш жараёнини кучайтиришга ёрдам бериши, совет кишиларининг ижодий имкониятларини тўла намоён қилиши лозим.

Бирлари тўғрисида»ги 1987 йил 22 январь қарорини сўзсиз бажаришнинг таъминлашнинг тақдир қилинди. Кекалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар қурилишидаги қоқоқликни бартараф этиш учун энг қисқа муддатда конкрет чора-тадбирлар қўрилсин, уларни фойдаланишга топшириш планларининг бажарилиши қаттиқ контрол остига олинсин. Кекалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар яшаш учун қулай жойларда, жумладан, янгида барпо этилаётган ва реконструкция қилинётган уй-жой массивларида қурилиш таъминлансин.

(Давоми 2-бетда).

ХІХ БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

Халол меҳнат самараси

КОММУНИСТ Исамат Нўзоев бошчилиги қилаётган иш тўғрисида бригадаси Ангрендаги «Ўзбекхалқтострой» трестининг пешнада коллективларидан ҳисобланади. Бир неча йилдан бери хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган бригада аъзолари кўни кеча шаҳардаги бинокорлик материаллари сановат техникумининг 300 ўринли ётоқхонаси қурилишида зиммаларига юклатилган вазифани барвақт удалади.

Шу кунларда август ойи ҳисобида ишлаётган бўёқдорларнинг гайрат-шижоати ўзгача. Улар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кўтиб олишга астойдил аҳд қилганлар. Шунинг учун ҳам вақтдан, мавжуд машина-механизмлардан унумли фойдаланишга интилишяпти. Коллективга бирлашган 23 киши турли

касбларни билишяпти. Асосан иш тўғрисида билан шуғулланишяпти. Лекин айни вақтда бошқа юмушларни ҳам бажаряверадилар. С. Абдураҳмонов, Қ. Пулатов, Т. Хўжақонов ва бошқалар шунинг учун ҳам бригада аъзолари ютуқлар салмоқли бўлмоқда.

Халол меҳнатдан аввало ўзлари манфаат қўришяпти. Шу йилнинг ўтган ойларида қўшимча деярли 40 минг сўмлик бўёқдорлик ишлари бажарилди. Қурувчиларнинг ўртача иш ҳақи 150 сўм ўрнига 224 сўмни ташкил этмоқда.

Илгорларга эргашган А. Абдусаматов бошчилигидаги комплекс комсомол-ёшлар бригадаси бўёқдорлари ҳам топириқларини доим зиёда-си билан адо этишмоқда.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ШОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

НАРИМАНОВ шахридаги «Политотдел» колхози деҳқонлари бўлажак XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига меҳнат вақтасида турли ишларни қилаётган бригада пахтакорлари тўза қатор ораларига учинчи ишлов беришни намунали ташкил этиб, бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Коллективнинг таъмироти меҳнаткорлари Болтабег Рисманбетов, Хамид Аҳмедовлар топириқнинг ортини билан сифатли бажаришмоқда. Сўғориш, ўтқи қилиш ишларида Н. Хамроева, Х. Исмоилова, П. Жангенова сингари колхозчилар ушқоқлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Бригада пахтакорларининг гайрати тўғрисида 52 гектар майдондаги ўзларга ёппасига шоналар бўлиди. Деҳқонларнинг аҳди ҳосилдорлигини бу йил 28 центнерга етказишдан иборатдир.

Л. МАНСУРОВ.

МУСОБАҚАГА ЯКУН

ли ташкил этаётганликларига қайд этилди. Биз голибларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга ҳаракат қилимиз, — дейди колхоз касба соҳа ташкилотининг Раис Махмуд Юрбаев. Бригададаги яратиб берилган шарт-шароит дала шийонларининг қишлоқларини ҳам уларнинг сакланшини ҳам ҳисобга олиб борилади. Ўзга аъзолари Аликул Аҳмедов, Акбарали Мамадалиев, Дардот Теналбоев, Урозбой Пирназаров ўртоқлар бошчилиги қилаёт-

ган бригадаларнинг дала шийонлари ишига юқори баҳо бердилар ва уларга 50 сўмдан пул муқофоти топириди. Айни кунларда колхоз пахтакорлари тўза парваршириш тобора кучайтиришмоқдалар. Белгиланган шартларга қўра меҳнат баҳсининг иккинчи босқичига 15 июнда якун чиқарилади. Ўзга қатор ора-ларига намунали ишлов берган, култивациянинг сифатли бўлишига эришганлар рағбатлантирилади.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

ҲОСИЛ КАРВОНЛАРИ

— ВУ ЙИЛГИ об-ҳаво, — дейди Калинин районидаги Куйбисов номи колхоз раиси З. Ниезов. — деҳқончилик учун, жумладан, сабзавотчилик учун ҳам қулай келди. Даладаги мўл ҳосил тўпаланишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам даладаги эртаги қарам узиш, саримсоқ, пиез таёрлаш ишлари авди.

Бу йил давлатга 4500 тонна ўрнига 5 минг тонна турли хил сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мақ-

буритини олган колхоз деҳқонлари ҳар кўни аҳоли дастурхонига 5—6 тоннага етказиб ҳосил юзатишмоқдалар. Куйбисовликлар 179 гектар майдонда сабзавот еттиштирмоқдалар. Бунда 210 га оила пуррат асосида ишламоқда. Улар ҳар йилдан ҳам мўл ҳосил тўпаланишмоқда. Саримсоқ, гулжар, резавор экинларини йиғиштириб олиш жадаллик билан олиб бориляпти. Бу ишларда Т. Султонов, Г. Хўжаидиев, В. Турсунов ўртоқлар бош-

чилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари пешнадамлиқ қилишмоқда.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига меҳнат мусобақасини қизайтаётган сабзавоткорлар ҳосил йиғим-теримини кучайтириш билан бир қаторда чор-ва учун мўл-мўл озуқа жамғариш тадбирларини ҳам қўймоқдалар. Айни пайтда 167 гектар майдондан озуқа-қабот экинларини тез ва сифатли ўриб-йиғиб олишга киришилди, бедаинг биринчи ўрими тўғалланди.

И. РУСТАМОВ.



КПСС
Марказий
Комитетини
Тезисларини
муҳокама
қиламиз

БИЗНИНГ ТАКЛИФЛАРИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини муҳокама қилиш чоғида коммунистлар ва партияси активлар бир қатор таклифларни ўртага ташламоқдалар.

Н. Абдураҳмонов, «Оҳангарон» газетаси редакторининг ўринбосари:

— Район партия комитетларининг тармоқ бўлимли-рини қисқартириш ва бунинг ҳисобига пропаганда ва агитация бўлиминини мустақамлаш мақсадга мувофиқдир. Район партия комитети бўлим мудирига ҳам ҳолат йўқ. Секретарлар бевосита инструкторлар билан иш олиб бораверишлари керак.

В. С. Толоқоников, «Оргтехстрой» институтини, бўлими бошлиғи:

— Ҳар қандай муҳим қарор фақат умумхалқ муҳокамасидан сўнг, референдум асосида қабул қилиниши лозим.

ВАЗИФАСИ—ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ

КПСС МАРКАЗИЙ Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларидан қуйидаги фикрлар менга жуда маъқул бўлди. Унда: «Маҳаллий Советларнинг материал, молиявий имкониятларини яхши-лаш ва бунинг таъминоти таъмин этиш, кенг жамоатчиликнинг ахлоқий статистика масалаларидан мунтазам хабардор қилишни йўлга қўйиш кўзда тутилди. Қарорда социология бўлимларини пропаганда қилишни кучайтириш зарурлиги ўқитрилди. Социологияга оид илмий, методик ва оммабоп адабиётларнинг нашр қилишни анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Студентлар, завод социологлари, малака ошириш, сиёсий ва иқтисодий таълим системалари учун марксча-ленинча социология ва конкрет социология фанлари юзасидан дарсликлар тайёрлаш ва нашр қилиш назарда тутилди. Социологияни ривожлантириш ресурслар билан таъминлаш чоралари белгиланди. СССР Госнаби, СССР Хўсбаш техникаси ва информатика давлат комитети, СССР Фанлар академияси, СССР Халқ таълими давлат комитети, иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари мазкур қарорга мувофиқ социология соҳасидаги ишларни бажариш учун моддий-техника ресурсларини ажратилиш таъминлашлари лозим.

Советларнинг оддий икромчилари бўлиб қолишяпти. Биз қишлоқдагилар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, ҳам-мом ва кинотеатр қури-ришга ҳаракат қилиб қўрдик. Лекин қишлоқ Совети бу ҳусусда бича ёрдам беришга қўли қалтирмади. Шундай бўлганда, депутатликка кимнинг қанча мулдат-ва ва неча бор сайланишига аҳоли бефарқ қарайдиган бўлиб қоляпти.

Ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш шариотида бундай лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Советлар аҳоли ишончини қозониш-лари, ҳақиқатан ҳам маҳаллий ҳокимият органларини

эканликларини намоён қилишлари, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида амалий ғамхўрлик қилишлари керак. Бунинг учун аввало уларнинг ишловини яхши-лаш, илмий-иқтисодий кенгайтириш лозим. Шундай бўлгандагина Советлар ўз вазифаларини тўла удалайдилар, халқ фаровонлигини янада яхшилашгагина эмас, уларнинг атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга актив муносабатда бўла бош-лашларига ёрдам берадилар.

М. МИРЗОИТОВА,
Оржоникидзе районидagi Май қишлоқ Совети Хўжақурон участкаси 28-ўрта мактаб ўқитувчиси.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС «Уруш ва меҳнат ветеранлари турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар ҳақида» қарор қабул қилди.

Қарорда сўнгги йилларда пенсционерлар, инвалидлар, ва уруш қатнашчилари, халқ бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг моддий таъминоти даражаси ошганлиги қайд этилади. Шу билан бирга марказий ва маҳаллий органлар, корхоналар ва таъкилотларнинг раҳбар-

лари уруш ва меҳнат ветеранлари турмуш шароитини яхшилашнинг кенг имкониятларидан сўст фойдаланмоқдалар, баъзан уларнинг ҳаётини яхшилашга лоқайдлик ва эътиборсизлик билан қарамоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС шу

ган ҳарбий хизматчилар оилаларининг уй-жой шароитларини анча яхшилаш талаб қилинади.

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министриликлар ва идораларига, касба соҳа советлари ва комитетларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Кам таъминланган пенсционерлар ва оилалар моддий фаровонлигини яхши-лаш, ёлғиз кекса граждандар тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш соҳасида биринчи талдаги тадбирлар тўғрисида»ги 1985 йил 14 май қарорини ҳамда «Кекалар ва инвалидларга хизмат кўрсатишнинг янада яхшилаш тад-

бирлари тўғрисида»ги 1987 йил 22 январь қарорини сўзсиз бажаришнинг таъминлашнинг тақдир қилинди. Кекалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар қурилишидаги қоқоқликни бартараф этиш учун энг қисқа муддатда конкрет чора-тадбирлар қўрилсин, уларни фойдаланишга топшириш планларининг бажарилиши қаттиқ контрол остига олинсин. Кекалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар яшаш учун қулай жойларда, жумладан, янгида барпо этилаётган ва реконструкция қилинётган уй-жой массивларида қурилиш таъминлансин.

(Давоми 2-бетда).

ДЕЛЕГАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА



● БУКА районидagi «Кремль» совхозининг бригада бошлиғи Урозул Букуровани ҳамма пўндаги 21 центнер, ўрнига 22,7 центнер ҳосил кўтарди. Бу йил бригада аъзолари 27 центнердан ҳосил олиш ниятида самарали меҳнат қилимоқда.

— Пахтачиллик илмий устозм, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Социалистик Меҳнат Қҳрамонни Мария Александровна Ковалевани ўрганганим, — дейди Урозул. Ҳозир ҳам ҳар бир киши у билан бамаслаҳат қиламан. Шундай устозм борлигидан фаразланаман.

Урозул Букурованинг ҳаётида бу йил муҳим воқеа рўй берди. У Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат қилиб сайланди. Область партия комитетининг аъзоси, район Советининг депутаты, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хўрмат Белгиси» орденларининг кавалери У. Букурова янрик партиявий аниқламда област миз пахтакорларининг муносиб вакили бўлади. Суратларда: Урозул Букуров; Урозул Букуров аъзолари билан далада.

